

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛИЯРОВ АШРАФ ДАУЛЕТЯРОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МАЪНАВИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy(PhD) on pedagogical sciences**

Аллияров Ашраф Даулетярович

Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий

қадриятларни ривожлантириш..... 3

Аллияров Ашраф Даулетярович

Развитие духовных ценностей у студентов

высших учебных заведений.....27

Аллияров Ашраф Даулетярович

Development of spiritual values in students of higher

educational establishments41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....45

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛИЯРОВ АШРАФ ДАУЛЕТЯРОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МАЪНАВИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped363 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси – www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали – www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Азам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович педагогика
фанлари доктори, профессор

Хақимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи таъкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университетининг ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Джуроев
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., проф

Р.Г.Исянов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, пед.ф.н.

А.Х.Махмудов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, пед.ф.д.

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациямавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида кадриятлар иерархияси, кадриятни англаш, кадриятли муносабатлар, педагогик аскиология, кадриятлар тизимини ўрганишга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Педагогик антропология - шахс ва жамият интеграцияси омили сифатида, кадриятли ёндашув асосида педагогика назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш, акмеологик ёндашув асосида талабаларда креатив қобилиятни, педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ёшларда кадриятлар тизимини ва толерантлик маданияти ҳамда кадриятлар тизими ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея ва Россия давлатларида олий таълим муассасалари талабаларининг яшаш худуди минталитетига хос маънавий кадриятларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан кадриятнинг намоён бўлиши шаклларини турли хил таҳлил ва таснифлаш, бу шаклларни улар боғланган объектларга қараб тавсифлаш, талабаларнинг маънавий кадриятларни шакллантиришга ижтимоий-психологик асосларини ривожлантириш, миллий-маданий мерос воситасида талабаларида маънавий кадриятларни такомиллаштириш, механизм ва технологияларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда талабаларнинг маънавий кадриятларини ривожлантириш, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб этиш, талабаларида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини, аждодлар меросига аксиологик муносабатни қарор топтириш, талабаларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бунда талабаларида китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантириш, ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитет, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни шакллантириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишни олдини олишга қаратилган таъсирчан усуллари жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори, 2018 йил 16 январдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 5181-сон Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкуртадқиқот

республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари Ж.Базарбаев, А.Бегматов, М.Каххарова, А.Маврулов, Ж.Туленов, Г.Туленова, Э.Юсупов, О.Ғайбуллаевлар Ўзбекистонда энг қадимий даврлардан бошлаб Марказий Осиё халқларининг Шарқ уйғониш даври маданияти, миллий кадриятлари ва мутафаккирларнинг илмий мероси, тарбиявий аҳамияти, ўқувчи-ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, антропологик ва акмеологик масалалари юзасидан Б.Адизов, О.Жамолиддинова, З.Исмаилова, С.Нишонова, У.Маҳкамов, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Н.Ортиқов, З.Солиева, Б.Рахимов, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, Н.Эркабоева, М.Қуроновлар, Ж.Ҳасанбоев, Ж.Йўлдошев, муаммонинг психологик жиҳатлари М.Давлетшин, В.Каримова, А.Леонтьев, А.Маслоу, З.Нишонова, Л.Рубинштейн, Н.Сафаев, Э.Ғозиевлар, қорақалпоқ халқи таълим-тарбия соҳасида ҳам янгича педагогик қарашлар, халқимизнинг миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда миллий тарбия, ўзликни англаш, келажак авлодни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш масалалари У.Алеуов, П.Абдимуратов, Ф.Бабашев, П.Берданова, Г.Жумашева, Р.Нуржанова, А.Пазылов, У.Сейтжанова, Қ.Сейтмуратов, Т.Утебаев, З.Қурбаниязова, А.Тилегеновларнинг ишларида ёритилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида В.Афанасев, Э.Днепров, С.Егоров, М.Плохова, Ф.Фрадкин, И.Шоров, М.Мехтизаде, А.Сейдова, В.Мустафазаде, Г.Ахмедова, Ю.Сындыева, Ф.Ялалов, Е.Смягликова, А.Петренко, А.Ғазизова, И.Ульянова, А.Ундозерова, А.Измайлов, Қ.Жарикбаев, Я.Ханбеков, К.Пирлиев, А.Курбанов, Т.Тажибаева, А.Сыдыкова, К.Атемова, А.Жумабеков, Қ.Шалғинбаева, Ж.Сарибекова, М.Рахимова ва Б.Апишевларнинг тадқиқотлари таълим-тарбиявий анъаналар, талабаларда маънавий кадриятни ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Ривожланган хорижий давлатларда W.Dalton, Bech Ivan, Bezugla Marina, Nash Robert J., Roof, Wade Clark, V.Lappo, V.Franklларнинг илмий ишларида талабаларнинг маънавий кадриятини ривожлантириш масаласи ёритиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.), Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш”(2017-2020 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантириш мазмунини фалсафий, педагогик ва психологик таҳлил этиш;

олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг тизимли-амалий моделини такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитлари, педагогик механизмларини аниқлаш;

олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига ТДПУ, Нукус ПИ, ҚДУларининг 393 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар иборат:

анъанавий-консерватив парадигма орқали ҳаққонийлик, интензивлик, киритувчанлик ва афзаллик мезонлари асосида кадриятлар типологияси (терминологик ва моддий) аниқланган;

кадриятлар онтологияси (яхши, ёқимли, ҳаётӣ, ахлоқӣ, эстетик, когнитив кадриятлар синфи) бўйича олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг тизимли-амалий модели такомиллаштирилган;

аксиологик ёндашув бўйича аналитик, ташкилий, фаолиятга доир, мониторинг ва натижавийлик босқичлари асосида талабаларнинг касбий компетенцияси такомиллаштирилган;

абсолют, предмет, ҳақиқӣ, позитив, шартли, тан олинган, бардошли, субъектив, реал, дунёвий, индивидуал, гуруҳли, этномиллий, универсал кадриятлар асосида талабаларда маънавий кадриятларни ривожлантириш тизими лойиҳалаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг ўқув-услубий таъминоти яратилган;

олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг инновацион таълим машғулоти мажмуи ишлаб чиқилган;

талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантириш мазмуни, асосий тушунчалари, мезонлари, кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги, олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг стратегик ҳаётий мақсадларни шакллантиришдаги ўрни ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадиги, олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, ривожлантириш босқичлари, компонентлари, параметрлари, тарихий-маданий мероснинг маънавий қадриятларни ривожлантиришдаги имкониятлари ҳамда таълим тизимига татбиқ этишга доир тақлифларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантириш бўйича илмий натижалар:

анъанавий-консерватив парадигма орқали ҳаққонийлик, интензивлик, киритувчанлик ва афзаллик мезонлари асосида аниқланган қадриятлар типологиясига оид тақлифлардан “Педагогика” таълим соҳаси 5111600 – миллий ғоя ва маънавият асослари бакалаврият таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти, малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 89-03-4483-сон маълумотномаси). Натижада, миллий ғоя ва маънавият асослари йўналишида ўқитиладиган фанлар мазмуни бойитишга эришилган;

қадриятлар онтологияси бўйича олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг тизимли-амалий моделига оид тақлифлари олий таълим муассасаларида бешта ташаббус асосида ташкил

этилган маънавий-маърифий тадбирлар мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 89-03-4483-сон маълумотномаси). Натижада талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг методик тизими такомиллаштирилган;

аксиологик ёндашув асосида талабаларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш ҳамда талабаларда маънавий кадриятларни ривожлантириш тизими лойihalаштиришга оид таклифлар 2015-2017 йилларда бажарилган КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 89-03-4483-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг миллий ва умуминсоний таянч компетенциялари тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 илмий-услубий ишлар, шу жумладан 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 мақола, шундан 7 та республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 боб, 136 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида таълим жараёнида талабаларнинг маънавий кадриятларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати, маънавий кадриятларнинг тарихий манбалари, талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Қадриятлар ёш авлодга ҳаётни янада теран англаб етиш, жамиятнинг ҳуқуқий меъёрларига риоя этиш, ўзларининг ҳаёт тарзини ҳуқуқий-ахлоқий меъёрларга мослаштиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам умуминсониятнинг кадрлаш меъёрлари борасида тўпланган ютуқларини умумлаштирган билим соҳалари имкониятидан фойдаланиш таълим самарадорлигининг асосий мезонларидан саналади. Чунки миллий ва умуминсоний қадриятнинг моҳияти педагогик фаолиятнинг хусусиятлари, унинг ижтимоий роли ва шахсни шакллантиришдаги имкониятлари педагогикада маданий ёндашувни талаб этади.

Миллий ғоя ва маънавият асослари таълим самарадорлигини ошириш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўзида маънавий-ахлоқий хислатларни ифодалаган ақлий ва жисмоний етук, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш имконига эга. Педагогик жараён миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш асосида таълим самарадорлигини оширишда муҳимаҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳудудида қўлланилган тажрибаларнинг тарихий илдизлари мустаҳкам бўлиб, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида инсонга таълим ва тарбия бериш, педагогик фаолият ва таълимни яхлит тушуниш ҳамда қарор топтиришни тасдиқлайди.

Таълим тизимида инсон ҳаёти учун миллий ва умуминсоний қадриятларни асослашга интилиш педагогик билимлар ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлади. Бироқ у инсон билан жамият ўртасида вужудга келган ўзаро муносабатларнинг натижасисифатида таълимнинг қадрият мақомини белгилайди.

Кўп манбаларда «қадрият» тушунчасининг «баҳо» тушунчаси билан қиёсланишида уларга бир хилда қараш, фарқни англамаслик сабаб бўлмоқда. Бунда рус тилидаги «оценка», «цена» тушунчаси иқтисодий тушунчаларга мос келиши ҳисобга олинмаганлигини қайд этиш мумкин. «Қадр» тушунчасининг ўзбек тилида серқирра маънога эгаллиги ва шарқона мазмун касб этиши маълум. Яъни, қадриятни баҳолашда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжлари, мақсадлари билан боғлиқ муносабатларни ҳисобга олиш ва «қадрият» тушунчасини унинг қадрини англатадиган тушунча сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

«Қадрият» ва «баҳо» тушунчасидаги фарқлар шундан иборатки, қадрият объектив бўлиб, ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади, «баҳолаш» эса қадриятга бўлган субъектив муносабатни акс эттиради. Баҳонинг қадриятдан фарқи нафақат ижобий, балки салбий ҳам бўлади. Айнан ана шу баҳо инсон ва жамиятга зарур ва фойдали бўлган нарсаларни танлаш имконини беради. Баҳолаш табиатига кўра динамик бўлиб, инсон фаолиятининг ўзгариши билан қадриятларни қайта баҳолашга имкон беради. Баҳолаш ҳам эмоционал, ҳам рационал даражада амалга ошади. Эмоционал баҳолаш кўп ҳолатларда уни англаб етмаганлик билан тавсифланади ва қониқиш ёки қониқмаслик тарзида намоён бўлади. Рационал баҳолаш кўп жиҳатдан нарса ва ҳодисаларнинг фойдалилик, аҳамиятлилик томонларини

англаб олиш билан боғлиқ. Демак, шахс томонидан англаб олинадиган кадрият миллий ва умуминсоний кадрият вазифани бажаради, яъни инсоннинг ахлоқи ва фаолиятидаги мўлжал вазифасини бажаришга қодир эканлигини тушунишни англатади. Худди шунинг учун шахснинг баҳолаш фаолияти инсонпарвар педагогиканинг воситаси бўлиб намоён бўлади, уни ривожлантириш эса педагогик вазифа ҳисобланади.

Миллий ва умуминсоний кадриятнинг моҳиятини миллий ва умуминсоний кадрият тамойиллар тизими орқали англаш кадриятларнинг ягона инсонпарварлик тизими доирасида уларнинг маданий ва эпик хусусиятларининг хилма-хиллигини сақлаган ҳолда фалсафий қарашлар билан тенг ҳуқуқлилигини кўрсатади. Анъаналар ва ижоднинг тенг аҳамиятлилиги, ўтмишдаги таълимотлар ва олимларнинг маънавий кашфиётлари имкониятларини ўрганиш, фойдаланиш, анъанавий ва замонавийликнинг ўзаро бир-бирини бойитувчи диалоглар зарурлигини эътироф этиш лозим. Натижада инсонларнинг ҳаёт кечиришдаги тенглиги, кадриятларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги сохта мунозаралар ўрнига амалиётда ижтимоий-маданий диалог ва фаоллик намоён бўлади.

Кадриятлар жамият тараққиётининг барча босқичларида ўз аҳамиятини йўқотмаслиги миллий ва умуминсоний турларга бўлинишига имкон беради. Миллий кадриятлар миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, барча моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча қирраларини қамраб олиши ҳар бир миллатда ўз кадриятларидан фахрланиш, уни такомиллаштиришни кўрсатади.

Умуминсоний кадриятлар эса миллий кадриятлардан мазмунан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамиятга эга, жаҳондаги барча миллатлар ва халқларнинг мақсад ва истакларига мос келади. У умумжаҳон цивилизациясидан ажралган ҳолда намоён бўлмасдан жаҳонда илм-фан тараққиёти, тинчлик учун кураш, ядровий қурооллар ишлаб чиқариш ва фойдаланишни тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, аҳолини саноат, энергия ва озиқ-овқат билан таъминлаш, жаҳонда ер, сув ресурслари ва коинотни ўзлаштириш билан боғлиқ муаммолар билан биргаликда фаолият кўрсатади.

Педагогик кадриятлар орасида мазмунига кўра фарқланадиган ўз-ўзига старли даражада хизмат қилувчи кадриятлар, яъни мақсадга йўналтирилган кадриятлар бўлиб, педагог меҳнатининг ижодий характери, нуфузи, ижтимоий аҳамияти, давлат олдидаги маъсулияти, ўз-ўзини қарор топтириш имконияти, болаларга муҳаббат ва боғлиқликни билдирадиган кадриятларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Мазкур кадриятлар педагог онгидаги «бола шахси» ва «Мен профессионал» тушунчалари ўзаро алоқада бир-бирини тақозо этади. Мақсадли кадриятлар давлат таълим сиёсатини ва педагогиканинг ривожланиши даражасини акс эттиради ва педагогик фаолият омили сифатида юзага чиқади ҳамда бошқа кадриятларга таъсир

этади. Улар касбий таълим асосини ташкил этиб, педагогика назарияси ва унинг методологияси ҳамда илғор педагогик технологияларни эгаллаш натижасида юзага келади.


Мақсадли кадриятлар – кадрият воситани, кадриятмуносабатлар эса кадрият-мақсад ва кадрият-сифатга боғлиқ бўлади. *Кадрият-восита* касбий таълим шахсни ривожлантирувчи вазифаларни бажарувчи педагогик фаолият (таълим ва тарбия технологияси), коммуникатив ҳаракат, мулоқот технологияси, педагогнинг субъектив ҳаракати бўлиб, учта ҳаракатнинг барчасини бирлаштиради ва кадрият-восита, кадрият-муносабат, кадрият-билим сифатида гуруҳларга бўлинади. *Кадрият-муносабат* эса педагогик жараёнда субъект билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди. Бунда педагогнинг ўз-ўзига муносабати, шахсга муносабати тенглашади. Педагогик кадриятларда *кадрият-сифат* юқори мақомга эга. Чунки педагог сифатда педагогнинг шахслик-касбий характери ўз ифодасини топади. Улар қаторига кўпқиррали, ўзаро бир-бирига боғлиқ индивидиал, шахсли, ролли ва касбий фаолиятли сифатлар ҳам киради. Мазкур сифатлар прогностик, коммуникатив, креатив (ижодий), эмпатик, интеллектуал, рефлексив ҳамда интерфаол кабилар қобилиятларнинг ривожланиши натижасида ҳосил бўлади. Лекин кадрият-сифат ва кадрият-муносабат кадрият-билим тузилмасида амалга ошмаса, педагогик фаолиятни мақсадга мувофиқтаъминлай олмайди. Бунда фақат психологик-педагогик ўқув фанлари билимларигина эмас, балки уларни идрок этиш даражаси, педагогик фаолиятнинг шахсли модели асосида танлаш ва баҳолаш малакаси ҳам киради. *Кадрият-билим* шахсни ижтимоийлаштиришнинг педагогик назарияси, таълим жараёнининг тузилиши ва унинг қонуниятлари ҳамда тамойиллари сифатида ифодаланган билим ва кўникмаларнинг муайян тарзда тартибга келтирилган ва ташкил этилган тизимидир.

Педагогик кадриятларнинг инсонпарварлик табиати ва моҳиятини педагогик касбининг маъно ва мазмуни, инсонпарварлик тамойиллари ва идеаллари билан белгиланиши, ўқитувчи онгида миллий ва умуминсоний кадрият модел мустаҳкам ўрин олгандан сўнг унинг онгида инсонпарварликка йўналтирилган педагогик дунёқараш ривожланиши, педагогик фаолиятнинг кадриятли йўналиши унга нисбатни мотивацион кадриятли муносабатдан ўзининг умумлашган ифодасини топиши, педагогнинг объектив аҳволи унинг педагогик кадриятга йўналтирилганлиги шахснинг умумий ва касбий ўз-ўзининг ривожланишини рағбатлантирилиши ва унинг касбий ва ижтимоий фаолиятининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Педагогик кадриятларнинг юқоридаги гуруҳлари бир-бирини вужудга келтириб, синкретик характерга эга бўлган кадриятларнинг назарий типологиясини шакллантиради. Мазкур типология кадрият-мақсад, кадрият-восита, кадрият-муносабат, кадрият-мақсад ҳамда кадрият-сифатга боғлиқ, яъни улар яхлит ҳолда ҳаракат қилиши орқали талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришни кўрсатади (1-расмга қаранг).

Талабаларида миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантиришда, таълимнинг амалиёт ва маданий-тарихий меросга йўналтирилганлиги бевосита амалий фаолиятда қўллашни назарда тутати. Миллий ва умуминсоний қадрият йўналганликнинг ҳар иккала тури инсоннинг ҳақиқий имконияти ва қобилияти, ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва таълим тизимининг вазифалари билан бир-бирига боғлиқ бўлади.

Инсон шахсини тарбиялашда таълим лойиҳаси ижтимоий ва табиий ривожланиш жараёнларининг мураккабликларини уларга таъсир этиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенг мўлжал ола билишини ҳисобга олиши зарур. Ўз имконият ва қобилиятларини баҳолай олиши, ўзига нисбатан танқидий йўл тута билиши, ўз ютуқларини олдиндан кўра олиши, барча воқеа-ҳодисалар учун маъсулиятни ўз зиммасига ола билиши лозим. Булар таълимнинг маданий-инсонпарварлик вазифасининг амалга ошиши – учун унинг шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилганлигини эътироф этишга олиб келади. Унда шахсининг бугунги ривожланишини, унинг интеллектуал-ахлоқий эркини, ижодий ўз-ўзини ривожлантиришга интилишини аниқ талаб қиладиган ижтимоий ривожланиш пайдо бўлади.



1-расм.Қадриятларнинг назарий типологияси

Таълимнинг инсонпарварлик мақсади унинг воситалари, мазмуни ва технологияси, таълим мазмуни инсонпарвар шахсни ривожлантирувчи билим ва малака, ижодий фаолият тажрибаси, олам ва одамга эмоционал қадриятли муносабат, шунингдек, инсон хулқини белгилаб берувчи ахлоқий туйғулар тизими, таълимнинг инсонпарварлик технологияси шахсининг

индивидуаллиги ва интеллектуал-ахлоқий эркинлигини ривожланганлиги ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигидаги фаолиятига боғлиқдир.

Тарбияга доир кадриятларимизнинг илдизлари халқимиз азал-азалдан ёшларни ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, довюраклик юксак намуналарини тарбиялашни ўзининг юксак бурчи эканлиги, шунингдек, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур Мирзолар сиймоси намунасида талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантириш тизимини ўрганишни талаб қилади.

Олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш, ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий хужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш амалга оширилади. Миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништиришда педагогик меросдан самарали фойдаланишнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш, глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштирилади. Натижада талабаларни ўқитувчи фаолиятидаги қасбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига эришилади.

Тадқиқот натижасида “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани таълимда миллий ва умуминсоний кадрият ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, билим, малака, ва кўникмаларга эга бўлиши, дунёқарашининг кенглиги, мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий сифатларни эгаллаш, ташаббускор-руҳий ҳолатга эга бўлиш, онглилик, тўғрилиқ, аниқлик, техникани эгаллашда зукколик, зеҳнлилик, ижодкорлик хислатларини таркиб топтиришда характерли хусусиятларни ҳисобга олинади. Мазкур имкониятлар ихтисосликка оид фанларни ўқитиш билан бирга «Маънавиятшунослик», «Этномаданият», «Миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш методикаси» ҳамда «Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси» фанларини ўқитишда фойдаланиладиган кадриятларни тизимлаштириш, бу борада маълум мезонларга таяниш, ҳар бир ўқув фанини ўзини ҳам бир кадрият сифатида ўрганишни талаб этади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг ташкилий-методик асослари”** деб номланган иккинчи бобида талабаларда маънавий ва умуминсоний кадриятларга нисбатан муносабатларни ривожлантириш, талабаларда маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг тизимли амалий

моделли ва талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантириш методикаси ёритиб берилган.

Талабалар маънавий кадриятларини ривожлантиришнинг унумдорлигини оширувчи хусусиятлар маънавий кадриятларга эркин ва ижобий муносабатда бўлиш, педагогик касби билан боғлиқ бўлган барча маънавий турларига қизиқиш, талабалар маънавий дунёсининг бойлиги, миллий ва умуминсоний кадриятларга бўлган муносабати ва онглилик даражаси билан ҳам белгиланади. Ҳозирги замон социологик тадқиқотларда ҳам талабаларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларни ўрганишга нисбатан қизиқишларига жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланмоқда, чунки ҳар қандай жамиятда белгиланган меъёрий қонуниятлар тизими бўлиб, унда миллий ва умуминсоний кадриятлар етакчилик қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жihatдан ўқитувчи меҳнат фаолиятининг маънавий кадриятларга йўналтирилганлигига боғлиқ. Бу кенг қамровли ва салмоқли омилар асосида ўқитувчининг бутун умри давомида амалга оширадиган кўп қиррали педагогик фаолияти мужассамлашган. Ўқитувчи ўзининг қизғин меҳнат фаолияти ва касбий маҳорати билан маънавий кадриятларга нечоғлиқ бой эканлигини таълим-тарбия жараёнида намойиш этади. Унинг ўқувчилар жамоаси билан олиб борадиган таълим-тарбиявий фаолиятидаги барча ютуқлари ушбу кадриятлар туфайлидир. Талабалар олий таълим тизимида билим олиш билан бирга илмий тафаккурларини бойитиб келажакда касбий фаолиятларини безайдиган кадриятлар тизими (ижтимоий-сиёсий кадриятлар, маънавий-ахлоқий кадриятлар, бадиий-эстетик кадриятлар, ақлий билиш фаолияти билан боғлиқ кадриятлар, меҳнат билан боғлиқ кадриятлар, экологик кадриятлар)ни мунтазам эгаллаб боришлари зарур.

Ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолиятдаги қизғин меҳнати натижасида талабаларда маънавий кадриятлар йиллар давомида ривожлантирилиб, такомиллаштирилади. Натижада талаба маънавий кадриятларни ўзлаштириб комиллик даражасида вояга етиши лозим, бунинг учун маънавий ва кадриятлар юксалиши, инсон кенг маънодаги маънавий шахсга айланиши керак. Ўқитувчининг билими, педагогик маҳорати, қизғин меҳнати талабаларни тарбиялашга, уларда ташаббускорлик, фаоллик, ишбилармонлик, ижодкорлик, тadbиркорлик ҳислатлари асосида маънавий онгини ривожлантиришга қаратилган. Жамиятдаги глобал ўзгаришлар, техник ва технологик тараққиёт, дунёвий фанлардаги ўзгаришлар ва янгиликлар талабалардан ижодкорликни талаб этади. Ижодкорлик эса талабалардан маънавий кадриятларни ўзлаштирган ҳолда фақат қизғин билим олиш эвазига содир бўладиган фаолият шаклидир.

Талабалар маънавий кадриятларнинг моҳиятини онгли равишда ижодий муносабат сифатида англаши келажакда ўзларининг ҳалол меҳнати билан, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий, моддий ва маънавий ривожланишига таъсир этишини виждонан ҳис этишга йўналтиради. Ўз маънавий

кадриятларининг бойлиги ва унинг натижаларидан ғурурлана олиши олий таълим муассасаларида таълим олиш ва келажакда салоҳиятли касб эгаси бўлиш билан жамият олдидаги масъулиятини доимо ҳис этишини кўрсатади.

Талабаларда маънавий кадриятлар ва педагогик маданият мазмунини ривожлантириш, улар онгига сингдириш учун ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб қилади. Шу жиҳатдан олий таълим муассасаси ўқитувчиси таълим-тарбиявий фаолиятда педагогик маҳоратнинг беқиёс имкониятларидан фойдаланиб, талабалар билан ўзаро муносабатда коммуникатив ва ташкилотчилик, креатив қобилиятларини, мулоқот маданиятини, педагогик такт ва педагогик назокат, кузатувчанлик, нутқ техникаси, обрў орттира олиш, келажакни кўра билиш, диққатни жамлай олиш ва уни сарфлай билишни намоён эта олиши лозим. Талабаларда маънавий кадриятларни ривожлантиришда олий таълим муассасасидаги таълим-тарбиявий фаолият муҳим аҳамиятга эга. Бу даврда уларда педагогик касбий фаолиятга нисбатан қизиқиш ва мойиллик шаклланади, педагогик фаолиятнинг таълим-тарбиявий ишлар методикаси бўйича зарур билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Талабаларни маънавий кадриятларга нисбатан қизиқишини оширишга бундай йўналтирилганлик жамиятнинг таълим соҳасида олиб бораётган ислохотлар мазмун ва моҳиятини ифодалайди. Шунинг учун ўқитувчи педагогик фаолиятининг асосий моҳиятида талабаларда маънавий кадриятларга нисбатан муносабатларни ривожлантириш бўлиши лозим. Талабалар ўз навбатида интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга ва умумбашарий кадриятларга таяниб, замоннинг илғор ютуқларидан озиқланадиган миллий дунёқараш ва эътиқод каби мезонларни ҳам ўзлаштириши керак.

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналишида “Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Этномаданият”, “Миллийғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш методикаси” ҳамда “Маънавий-марифий ишларни ташкил этиш методикаси” ўқув фанлари ҳам талабаларни этик ва эстетик, касбий педагогик ахлоқ ва маданият нормаларини шакллантиришда маънавий кадриятлар тамойиллари ва меъёрларини, улуғ аجدодларимизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги ўғитлари ҳамда талабаларнинг таълим-тарбиявий жараёнда ўзлаштириши лозим бўлган педагогик компетентлик ва мулоқот маданияти тўғрисидаги билимларни эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади.

“Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Этномаданият”, “Миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш методикаси” ҳамда “Маънавий-марифий ишларни ташкил этиш методикаси” фанларини ўрганиш талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, иймон-эътиқодли, меҳроқибатли, ўз касбини севувчи, юксак касбий маҳоратга ва интеллектуал салоҳиятга эга ҳамда юксак маданиятли, педагогик фаолиятда ҳар қандай касбий қийинчиликларга бардош бера оладиган мукамал касб эгаси сифатида тарбиялаш каби барча талабаларга жавоб бера олади.

Талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришда талабалар билим, малака ва кўникмалари куйидаги мезонлар асосида аниқланган:

талабаларнинг таълим олишга қизиқишини белгиловчи самарадорлигини аниқлаш(фикрий дунёқарашининг кенглиги; назарий билимларни ўзлаштириши;

амалий кўникмаларга эгаллиги;

ўзлаштираётган билимларининг тизимлилиги;

билим, кўникма ва малакаларининг ўзаро алоқадорлиги;

эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олиш малакасига эгаллиги);


талабаларнинг тарбиявий билимларни эгаллаш самарадорлигининг ривожланганлиги (маънавий тафаккурининг ривожланганлиги; билишга доир қизиқишнинг пайдо бўлганлиги; онг фаоллигининг ортганлиги; кадриятларни ўзлаштиришда хотиранинг ривожланганлиги; шахс сифатида иродасининг кучлилиги; ўз мустақил фикр ва мулоҳазасини ифодалай олиши;этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгаллиги);

билимларни эгаллашга бўлган интилиши(билиш тафаккурининг маҳсулдорлиги; олган билим ва малакаларини ҳаётда қўллай олиши; ташаббускорлик ва мустақилликни намоён қила олиши; билимли ва зийраклигини жамоада намоён эта олиши).

Ўқитувчи машғулотларда мавзуларни маънавий кадриятларга нисбат қилган ҳолда кадриятлардан фойдаланиш машғулотнинг ватанпарварлик тарбиясидаги бутун бир тизимга боғлиқлиги ёндашувига риоя этиши зарур. Бунда ўрганилаётган ўқув фани ва ўтилаётган ҳар бир мавзунинг мазмунан бир-бирига боғлиқлиги, маънавий кадриятлардан фойдаланишда машғулотнинг аниқ мақсаднинг белгиланиши, талабаларга ватанпарварлик тарбиясида билимлар таркибига жасоратларга доир кадриятларнинг киритилиши лозим. Ватанпарвар халқимиз фарзандларининг босқинчиларга қарши олиб борган тарихий-ватанпарварлик курашининг асл моҳиятини талабалар онгига етказилиши уларнинг ғоявий-сиёсий мазмун касб этиши, эртанги кун касб-корида, фаолиятида ёрдам бериши, фавқулодда вазиятларда ўз билимини қўллай олишини таъминлайди. Кадриятли ёндашув асосида талабаларда ҳосил қилинган малакаларнинг мутахассисликка доир сифатларнинг шаклланишида миллий маданиятни таркиб топтиришга ёрдам бериши, талабаларда интизом, бурч ва мажбуриятни ҳис этишига йўллаши ва қонун-қоидаларга риоя этиш мажбуриятини ҳосил қилиши мумкин.

Тадқиқот доирасида тизимли-амалий моделни ишлаб чиқиш мақсад сифатида белгиланди. Моделнинг мазкур тури талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш жараёнини бошқариш воситаларини излаб топиш, шунингдек, модел субъекти сифатида талабаларнинг тайёргарлик даражасининг бошланғич ва якуний ҳолати ўртасидаги фарққа эришишга имкон берувчи тадқиқ этилаётган жараёнларни бошқариш функцияларини акс эттиришга ёрдам беради. Талабаларида маънавий кадриятларни ривожлантиришнинг тизимли-амалий модели мақсадга йўналтирилган, ташкилий, методик,таълимий,баҳоловчи, натижавийлик компонентларини ўзида акс эттирди (2-расмга қаранг).

Моделнинг мақсадга йўналтирилган компонентида талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришда Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ижтимоий буюртма, меъёрий-ҳуқуқий асослар белгилаб олинди. Шунингдек, моделнинг мақсад ва вазифалари ҳам аниқлаштирилди.



2-расм. Талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг тизимли амалий модели

